

### 3 - сонли шартнома

Тошкент шаҳри

“ 18 ” 10 2022 й.

ЭТТ Ранабов Д.Х. директор Ранабов Д.Х. кейинги уринларда «Ижрочи» деб аталувчи ва **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети** номидан Устав асосида фаолият юритувчи И.У.Магнийдов, кейинги уринларда «Буюртмачи» деб аталувчилар мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

#### **I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. «Буюртмачи»нинг топшириғига биноан «Ижрочи» мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган объектда Университет талабалари учун наъмуна сифатида хизмат қиладиган “Ўзбекистон Республикаси харитаси ва археологик ёдгорликлар ва уларнинг топилмаларидан намуналар композициясини ва буюк ипак йўли композициясини яратиш, «Буюртмачи» эса кўрсатилган хизматларни ўз вақтида қабул қилиш ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. “Ўзбекистон Республикаси харитаси ва археологик ёдгорликлар ва уларнинг топилмаларидан намуналар композициясини ва Буюк ипак йўли композициясини яратиш ишлари олиб бориладиган объект: Университетнинг Тарих факультети - Археология музеи 1-этаж 110-хонасида жойлашган.

1.3. Кўрсатилаётган хизмат сифати стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар (ГОСТ, O'zDSt, Ts), «Буюртмачи»нинг техник талаблари ва тарафлар томонидан тасдиқланган эталон-наъмунага шунингдек Ўзбекистон Республикасида етказиб берилаётган махсулотлар учун белгиланган бошқа норматив қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

#### **II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

а) Шартномада белгиланган муддатларда ҳайкалтарошлик ишларини бажарилишини талаб қилиш;  
б) «Ижрочи»нинг ишларига аралашмаган ҳолда назорат олиб бориш. Назорат этиш жараёнида «Ижрочи» томонидан бажарилган ишларда камчиликлар аниқланган тақдирда уни «Ижрочи» ҳисобидан текинга амалга оширишни талаб этиш;

в) Ҳайкалтарошлик ишларини бажарилиш самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

- Ҳайкалтарошлик ишлари учун ажратилган майдонни тайёрлаш;
- шунингдек бошқа техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини яхшилаш ва таъминлаш;

г) «Ижрочи» томонидан ҳайкалтарошлик ишлари олиб бориш вақтида берилган йуриқнома ва кулланмаларга риоя қилиш;

2.2. «Ижрочи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

а) Бажарилган ишлар учун ўз вақтида туловни амалга оширишни талаб қилиш;

б) «Буюртмачи»дан ҳайкалтарошлик ишларни хавфсиз ва самарали амалга оширишга амалий ёрдам беришни талаб қилиш;

в) Ҳайкалтарошлик ишларини шартнома шартларига мувофиқ сифатли ва инсонлар соғлиги учун хавфсиз олиб бориш;

г) Ҳайкалтарошлик ишларини ўз кучи билан амалга ошириш.

д) «Буюртмачи» томонидан аниқланган барча камчиликларни ўн иш кунида бартараф этиш.

е) Шартнома юзасидан бажарилган барча ҳайкалтарошлик хизматларининг сифатига жавоб беради.

#### **III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ**

3.1. Шартноманинг баҳоси «Ижрочи» томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Прейскурант асосида белгиланади. Прейскурант мазкур шартномага илова сифатида «Буюртмачи»га бир нусхаси топширилади.

3.2. Шартноманинг умумий суммаси **288 500 000 (икки юз саксон саккиз миллион беш юз минг сўм).**

3.3. Шартнома ўз кучини йўқотгунига қадар шартнома баҳоси ўзгармас бўлиб қолади.

3.4. Шартнома ғазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтгандан кейин кучга киради.

3.5. Шартнома қонуний кучга киргандан сўнг «Буюртмачи» «Ижрочи»га 10 кун ичида Молия вазирлиги газначилигидан рўйхатдан ўткандан сўнг, шартнома баҳосининг олдиндан 30 фоизи, қолган 70 фоизи «Ижрочи» бажарилган ишлар тўғрисидаги хужжатлар (ҳисоб-фактура, акт) топширилгандан сўнг амалга оширилади.

3.6. Шартномада белгиланган муддатда «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширмаса «Ижрочи»га ҳар бир кечиктирган кун учун 0.4 фоиз микдорда пеня тўлайди, аммо шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошмаган микдорда.

3.7. «Ижрочи» шартномада белгиланган муддатларда хайкалтарошлик ишларини амалга оширмаса «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.4 фоиз микдорда пеня тўлайди, аммо шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошмаган микдорда.

3.8. Томонлар мазкур шартнома шартларини бажармаганлик юзасидан жарималар тўлаши шартнома олдидаги мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### IV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома шартларини бажариш ва уларни шарҳлаш юзасидан келиб чиқадиган низолар ўзаро музокаралар орқали ҳал этилади.

4.2. Низолар музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда, низони ҳал этиш учун жавобгар жойлашган ҳудуд бўйича иқтисодий судига берилади.

#### V. ФОРС-МАЖОР

5.1. Енгиб бўлмайдиган кучларга (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кучки, бурон, кургокчилик ва б.) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш, камал, давлат манфаатларини кузлаб импорт ва экспортни тақиклаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавкулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

5.2. Шартноманинг 5.1.-бандида назарда тутилган форс-мажор ҳолатларида томонлар шартнома олдидаги мажбуриятларидан форс-мажор ҳолат тугагунга қадар озод бўладилар.

#### VI. ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР

6.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартнома томонлар имзолаб ўз муҳрларини қўйган вақтдан бошлаб кучга киради ва “31” декабрь 2022 йилга қадар амалда бўлади.

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

6.4. Мазкур шартнома орқали тартибга солинмаган муносабатларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган қонун-қоидалар асосида тартибга солинади.

#### VII. ТОМОНЛАР МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ «Буюртмачи» «Ижрочи»

<p>(Бюджетдан маблағ олувчининг номи) Манзил _____ Тел/факс _____ Х/р* _____ Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи Мирзо Улугбека ОКОНХ _____ Газначилик булинмаси номи: _____ Газнах/в _____ Банкнинг номи: _____ МФО _____ Раҳбар _____ (ловозим) (Ф.И.О.)</p> <p>М.Ў _____ (имзо)</p>	<p>ЯТТ Ражабов Д.Х</p> <p>Манзил: Бухоро вилояти Пешку тумани Куёвхўжа МФЙ Кушчи қишлоғи. Х/р 20218000900833740001 МФО-00098 СТИР 535349426 ЖШШИР: 30704891090076 Банкнинг номи: Агробанк АТБ Пешку филиали.</p> <p>М.Ў _____ (имзо)</p>
--	--



Handwritten signatures and notes at the bottom of the page, including the name 'Ляева' and other illegible marks.



GUVONNOMA  
СВИДЕТЕЛЬСТВО/CERTIFICATE

Buxoro viloyati  
(Hudud/Region/Region)

O'zbekiston Respublikasi  
"Hunarmand" uyushmasi  
(Guvohnoma berish joyi/Mesto vydachi  
свидетельства/issued by)

№ BX-08391

"RAJABOV DILMUROD XOLMURODOVICH"

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI HUNARMAND UYUSHMASI  
A'ZOSI HISOBLANADI

ЯВЛЯЕТСЯ ЧЛЕНОМ АССОЦИАЦИИ "ХУНАРМАНД"  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

IS THE MEMBER OF THE ASSOCIATION OF THE HANDICRAFTSMAN OF THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN

A'ZO HAQIDA MA'LUMOT/ИНФОРМАЦИЯ О ЧЛЕНЕ/MEMBER  
INFORMATION

STIR/ИНН/TAX ID: 535349426

<b>PASPORT:</b>	<u>AA5422186</u>	<u>18.05.2014</u>	<u>BUXORO VILOYATI PESHKO' TUMANI IIB</u>
	Сertya va raqami/ Номер и серия/ID	Berilgan sana/Dara ыдачи/Date of issue	Pasport bergan organ/Halqamandlik organ, yadavchiro pasport/Name of the authority issuing the passport
	Buxoro viloyati, Peshku tumani, Varaxsho, Varaxsho mahallasi, VAXMKOR		
	Uy manzili/ Домашний адрес/ Home adress		
	Buxoro viloyati, Peshku tumani, Peshku, KIYAVXO'JA MFY		
	Faoliyatni amalga oshirish manzili/Адрес места осуществления деятельности/Address of place of business		
	Mayda haykaltaroshlik buyumlari		
	Amalya ishlatilgan faoliyat tur(lar)/Вид(ы) осуществленной деятельности/Activity types		

Guvohnoma amal qilish muddati  
Действителен до/Expiration date

12.04.2023  
(Sana/Date/Date)

Guvohnomani tekshirish uchun  
Для проверки свидетельство  
To verify the validity of the Certificate



Guvohnoma berilgan sana 12.04.2022

<https://hunar.uz/pub/member?tin=535349426>  
(+99871) 279-74-27

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Харид комиссияси раиси  
Ўзбекистон Миллий университети  
проректори В.Ёдгаров

18 октябрь 2022 йил

**БАЁННОМА**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факултети биносида Ўзбекистон Республикаси харитаси ва археологик ёдгорликлар, уларнинг топилмаларидан намуналар композициясини ҳамда Буюк ипак йўли композициясини яратиш хизмати бўйича “Давлат харидлари ахборот порталига” 2022 йил 27 сентябрда лот рақами **22110012156206**-сон бўлган, 299 732 557 сўм қийматдаги эълоннинг якуний натижари бўйича баённома расмийлаштирилди.

Мазкур баённомага асосан қуйидагилар маълум қилинди:

"МЕБАРТ" МЧЖ

"РАЖАБОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРОДОВИЧ" ЯТТ – 288 500 000 сўм (60 балл)

"ШУКУРОВ ГАЙРАТ ГАФУРОВИЧ" ЯТТ – 293 000 000 сўм (53 балл)

"МЕБАРТ" МЧЖ харид комиссияси раиси ва харид комиссияси аъзолари қарорига асосан танловдан четлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари” тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон Қонунинг, 62-моддаси, 3-бандига асосан икки иш кунига муҳокама учун жойлаштирилган эди.

2022 йилнинг 18 октябрь кунига қадар, **22110012156206**-сонли лот бўйича таклиф берган иштирокчилар томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмагани боис, университет Харид комиссиясининг баҳолаш мезонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари” тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон Қонунинг, 62-моддаси, 4-бандига асосан, "РАЖАБОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРОДОВИЧ" ЯТТ – **288 500 000** (икки юз саксон саккиз миллион беш юз минг) сўм қийматда берилган таклиф, энг яхши таклиф деб топилганлиги муносабати билан университет ҳамда "РАЖАБОВ ДИЛМУРОД ХОЛМУРОДОВИЧ" ЯТТ ўртасида ўрнатилган тартибда шартнома имзоланишига қарор қилинди.

**Харид комиссияси  
аъзолари:**

Г.Яхяева

Б.Рахмонов

Б.Джалолов

У.Мусурмонов

С.Мамашарифов

This block contains five handwritten signatures in blue ink, corresponding to the names listed to the left: G. Yaxyeva, B. Rakhmonov, B. Djallolov, U. Musurmonov, and S. Mamasharifov.